

"Халол очиқдир. Харом хам очик. Буларнинг орасида эса шубхали нарсалар бор. Инсонларнинг кўпчилиги буларнинг халол ёки харом эканлигини билмайдилар. Динини ва номусини асрамок ниятида буларни ким тарк этса саломатга эришган бўлади. Хар кандай бир даражада бу шубхали ишларга кўл урганлар эса харомга йўл кўйиш хавф билан юзма-юз келадилар. Бу холат худди такиқлаган минтака якинида кўйларини ўтлатган кишининг хар вактда манъ этилган минтакага кириб колишлик хавфи билна юзма-юз бўлиши сингаридир. Хар хукмдорнинг бир такик чегараси бор. Аллоҳ таоло таъкик чегараси эса харомлардир". (Бухорий, Муслим) Мазхаббошимиз Имоми Аъзамнинг такволари, халолликлари, ўзганинг хакқидан хазар килишлари хакида замондошлари кўплаб ривоятларни накл этиб кетишган. Бу зот маҳсулотни харидорга алдаб сотгани учун савдогарчиликдаги ўттиз йиллик шериклари билан ажрашиб кетгандилар. Имоми Аъзам бир куни кўй ўғирланганини эшитдилар. Ва: «Кўй неча йил умр кўради?» деб сўрадилар. «Етти йил», дея жавоб килишди. Ўша ўғирланган кўйнинг гўшти овкатимга аралашиб колмасин, деб етти йилгача кўй гўшти тановул килмадилар. Бу жуда ибратли мисол. Бизнинг аждодларимиз ўз лукмаларига, яъни нима истеъмол килаётганларига жуда катта эътибор берган эканлар.

Бизнинг замонамизга келиб, нафакат ўғирланган ёки харом ўлган кўй гўшти, балки чўчкадан олинадиган моддаларнинг деярли барча маҳсулот турларига кўшилиши мусулмон одамни диккат килмай кўйди. Бундай маҳсулот турларининг бир нечтасини санаб ўтамиз:

Ичимликлар, дорилар, юз ва кўлга суриладиган кремлар, кандлар (айникса шоколад), тўртлар, музкаймоклар, сакичлар, тиш пастаси, совун, шампун, соколга совун суркашда ишлатиладиган чўтка, нонлар, булочкалар, колбаса ва сосискалар, хатто кийимлар ва хоказо. Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин. Чўчка ёғидан кўпинча эмульсиялар тайёрланади. Эмульсиялар асосан маҳсулотга ранг беришда, моддани кўйик килишда ва айниш жараёнини секинлаштиришда ишлатилади. Крем, совун, тиш пастаси, ва совун каби маҳсулотларга эса асосан чўчка ёғидан олинган глитсерин кўшилади. Эмульсия ва глитсеринларни ўсимликлардан, кўй ва мол гўштидан хам олиш мумкин лекин шунда хам бу кўй ва моллар агар халол йўл билан сўйилмас экан бу яна шубха пайдо килади.

Битта дўстим билан якинда тортишиб колдик. Мен унга чўчка терисидан тайёрланган чарм кўлкопни кўрсатиб: "Мана бундан огох бўлгин", десам, у менга ахир чўчкани ейиш мумкин эмас дейилган холос деди... Шунда мен унга тушунтира кетдим. Хазм килаётган хамма нарса хам ошкозонга тушмайди. Масалан, кашандаларни ўзига ром этган никотин сигарет тутуни ўпкадан конга ўтади. Кашандаликни енгиш учун хозирда маҳсус танага ёпиштириб олинадиган никотинга бой матохлар ўйлаб топилган. Кашанда танасини каерига ўша нарсани ёпиштириб олса, териси оркали хам никотин конга ўтаверади ва натижада хумор келганда сал далда бўлади. Сокол олиш кўпиги учун ишлатиладиган чўткалар учун баъзан чўчканинг тукларидан фойдаланилади. Албатта синтетик чўтка сотиб олишга харакат килинг.

Чўчкадан олинадиган моддаларнинг шу кадар кенг кўлланишига асосий сабаб, хозирги замонда ишлаб чиқаришнинг асосий кисми христианлар кўлида эканлигидир. Яхудийлар хам мусулмонлар каби чўчкани харом деб билишади ва хатто чўчка кўшимчаларидан холи

бўлган махсулотларни сертификатлаб “кошер” ёки “К”, “U” харфлари билан ифодалашади.

Мана сизга жуда кизик бир маълумот:

Исройлда хатто баъзи зарфлар (русча-конверт) хам “кошер” экан. Бу нима деган гап? Кўпчилик бундан кулиши мумкин. Зарфга кандай килиб чўчка ёги кўшилиши мумкин ахир? Яхудийлар бу тарафда ахмок эмас. Жуда кўп елимларга хам чўчка ёги кўшилишини улар яхши биладилар! Билмаган миллионлаб одамлар эса зарфни ялаб хўллаб юрибди...

Хўш, кошер хар доим хам халолми? Кўпчилик мусулмонлар Кошерни бемалол истеъмол килиб юришади, лекин шуни айтиб ўтиш керакки яхудийларда спирт моддасининг истеъмоли кенг таркалган ва спирт кўшилган махсулотларни хам кошер деб кетадилар. Шундан эҳтиёт бўлиш зарур, чунки спирт ва бошка сархуш этувчи моддалар динимизда харом этилган.

Христианлар ўзларининг китобини сал яхширок ўқиганларида эди Левитиус, 11; 7-8 даги чўchkанинг харом этилганлиги хакидаги маълумотни албатта билиб амал килган бўлардилар. Албатта, хозирда Инжилни саноксиз турлари пайдо бўлган ва бирида бор нарса, бошкасида умуман бўлмаслиги хам мумкин. Хуллас, Христианлар ўзларига чўchkани халол деб билиб, уни хар нарсага кўшиб ташлашган. Хар куни хом ашё биржаларида тонналаб чўчка ёги сотилади!

Катор Исломий интернет сахифалардан эмульсиялар, глитсерин, желатин ва бошка моддаларнинг халол, харом ёки шубхали эканлиги хакида маълумотларни олиш мумкин. Таиланд, Малайзия, Хиндистон, Покистон, Эрон, Индонезия ва бошка мамлакатларда хам халол тамгаси жуда машхур бўлиб кетган. Туркияning катор ширкатлари махсулотларининг халоллигини кафолатлади. Хусусан Туркияning ULKER ширкати “Mamullerimizin Hiç Birinde Domuz ve Katkı Ürünleri Yoktur” деб ёзиб кўяди. (Таржимаси: “Махсулотларимизнинг хеч бирида тўнгиз ёги йўқдир”). Албатта Исломий ўлкада ишлаб чиқарилса ўз-ўзидан халол бўлавермайди. Хар бир махсулотни алоҳида ўрганиш даркор. Бу йўлда айникса ўлкамизнинг озик-овкат соҳасидаги тадқикотчилари ва кимёгарлари жонбозлик кўрсатишлари керак.